

МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ботирова Назокат Рузимовна

Хоразм вилояти Тупроккаъла тумани Питнак шаҳар 4-сон умумтаълим мактабининг тарих
фани уқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7165874>

Annotatsiya. Ushbu maqola o'quvchilarning tarixiy bilimlarini boyitish, milliy g'urur tuyg'ularini rivojlantirish uchun me'moriy yodgorliklarga oid materiallardan foydalanish masalasiga bag'ishlangan. Maqolada O'zbekistonda mavjud bo'lgan 18-19-asrlarga oid ma'lum bir davr va voqealar bilan bog'liq bo'lgan tarixiy obidalar haqida qisqacha ma'lumotlar berilgan, o'quvchilarning intellektual va ma'naviy-axloqiy rivojlanishi uchun illyustrativ materiallar, ekskursiyalardan foydalanish imkoniyatlari ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: tarixiy me'moriy yodgorliklar, davr, madaniyat, qurilish, me'moriy ansambl, illyustrativ material, milliy iftixor, madaniy meros, madrasa, maqbara, tarixiy bilim, ko'rgazmali usul, ekskursiya.

ПУТИ РАЗВИТИЯ У УЧАЩИХСЯ ЧУВСТВА РОДИНЫ ЧЕРЕЗ АРХИТЕКТУРНЫЕ ПАМЯТНИКИ

Аннотация. Данная статья посвящена вопросу использования материалов об архитектурных памятниках для обогащения исторических знаний учащихся, развития у них чувства национальной гордости. В статье содержится краткая информация об имеющихся в Узбекистане исторических памятниках XVIII – XIX веков, которые связаны с определенной эпохой и событиями, рассмотрены возможности использования иллюстративных материалов, экскурсий для интеллектуального и духовно – нравственного развития учащихся.

Ключевые слова: исторические архитектурные памятники, эпоха, культура, сооружение архитектурный ансамбль, иллюстративный материал, национальная гордость, культурное наследие, медресе, мавзолей, исторические знания, демонстрационный метод, экскурсия.

WAYS TO DEVELOP PUPILS' SENSE OF THE MOTHERLAND THROUGH ARCHITECTURAL MONUMENTS

Abstract. This article is devoted to the issue of using materials about architectural monuments to enrich students' historical knowledge and develop their sense of national pride. The article contains brief information about the historical monuments of the 18th-19th centuries available in Uzbekistan, which are associated with a certain era and events, the possibilities of using illustrative materials, excursions for the intellectual and spiritual and moral development of students are considered.

Keywords: historical architectural monuments, era, culture, construction, architectural ensemble, illustrative material, national pride, cultural heritage, madrasah, mausoleum, historical knowledge, demonstration method, excursion.

КИРИШ

Ёшларда ватан туйғусини ривожлантириш халқимиз фаровонлигини оширишдаги муҳим омиллардан биридир. Мамлакатимиз мустақилликка эришиши туфайли аждоқларимизнинг қадимий тарихий меросини, илмий ва маънавий қадриятларини тадқиқ

ва тарғиб қилишга кенг имконият яратилди. Бинобарин, миллий ўзликни англаш ана шу халқ, ана шу миллатнинг кишилиқ жамиятидаги ўрни ва мавқеини белгилайди. Бу имконият, айниқса таълим мазмунининг миллий асосларини мустаҳкамлаш, уни мазмун жиҳатидан бойитишга қулай методологик замин яратди. Шу боис Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон тарихини ўқитишда турли манбалар, хусусан меъморлик обидаларида акс этирилган воқеа ва ҳодисалардаги тарихий фактларнинг талқини сифатида фойдаланиши ўқувчиларда тарихий билимларни самарали ўзлаштиришга ўзига хос педагогик қулайлик яратади. Зеро, юртимизда меъморий бинолар жамият тараққиётига монанд тарзда, унинг тарихий талқини сифатида ривожланган. Бу эса ўқувчилар онгида шу даврга оид тарихий билимларни бойитиш имконини беради. Шу боис ҳам тарихий меъморий бинолар, қасрлар, кўшқлар, саройлар ва кўрғонлар, шунингдек уларни таъмирлаш ва реконструкция қилинган тарихий обидаларни ўрганиш ўқувчиларнинг тарихий билимларини ривожлантиришда муҳим омил сифатида тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб педагогик муаммодир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон мустақиллиги биринчи навбатда унинг тарихига ҳолисона баҳо бериш билан ҳам белгиланади. Шу маънода миллий тарихимизнинг ҳар қандай элементи, омилини ўрганиш, кенг қамровли тадқиқ этиш мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг, хусусан мамлакатимизда устувор соҳа деб эълон қилинган таълим тизимининг, айниқса тарих таълимининг долзарб муаммоларидан саналади. Шунинг учун ҳам республикамизнинг тарихчи ва педагог олимлари, методистлари томонидан ҳозиргача тарих ўқитиш методикасининг турли масалалари ўрганилган бўлса-да, унинг фанлараро алоқадорлик тамойиллари, хусусан тарих таълимида меъморлик обидалари воситаларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда ватан туйғусини ривожлантиришга оид жиҳатлари махсус илмий муаммо тарзида тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам республикамизда ижтимоий, жумладан таълим соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ўқувчиларда ватан туйғусини ривожлантириш, бу борада тарихий кадриятлардан фойдаланиш, унинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини қайтадан кашф этиш ислоҳотларнинг устувор соҳаларидан бири сифатида қаралади. Шу маънода Ўзбекистон тарихида меъморлик обидалари алоҳида аҳамият касб этади. Республикамизнинг кўпгина олимлари томонидан ватан туйғулари турли кўринишлари ўрганилган бўлса-да, ўқувчиларда ватан туйғуларини ривожлантиришда меъморлик тарихига оид материаллардан фойдаланиш муаммоси унинг таълимий-тарбиявий имкониятларини очиш нуқтаи назаридан педагогика фанида махсус тадқиқ этилмаган.

Ўзбек халқи тарихини пухта билиш, тарихий жараёнлар моҳиятини тўғри англаш, ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга онгли муносабат, халқ қаҳрамонларини ҳаётдан ибрат олиш, аждодларимиз қолдирган меъморий обидаларимизни ўрганиш ўқувчиларда ватан туйғусини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири албатта. Бу ўринда А.Абдуллаев, Э.Азимов, Б.Аминов, Б.Аҳмедов, И.Мўминов, Х.Саматовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда миллий тарихий-жараён, унинг шахсинг миллий-этник хусусиятларини шакллантиришга таъсири, халқ ўтмиши, тарихи ва унинг жаҳон тараққиёти тарихида тутган ўрнига муносабат масалалари ёритилган. Шу боис уларнинг тадқиқотлари натижалари, илмий хулосаларидан тарих таълими жараёнида фойдаланиш

муҳим омил ҳисобланади. Шундай тарихий миллий кадриятлар тизимида меъморлик обидаларини ўрганишнинг илмий асосланган мазмуни ва методикасини ишлаб чиқиш ўқувчиларда ватан туйғусини ривожлантириш билан бир қаторда тарих таълими самарадорлигини оширишни муайян даражада кафолатлайди.

Бинобарин, тарих фанида мустақиллик йилларининг дастлабки босқичидаги методологик парокандаликка, журъатсизликка, хато ва чалғишларга барҳам бериш ҳаётий зарурат эди. Шундан келиб чиқиб, XVIII–XIX асрларда Туркистон ўлкасида бунёд этилган меъморлик обидалари, улар билан боғлиқ тарихий асарларни ўрганиш ва аждодларимиздан қолган миллий меросимизнинг муносиб ворисларни тарбиялашдан давр талабидир.

Мустақиллик йилларида маданий меросимиз, аждодларимиз ҳурмати эвазига юртбошимизнинг бевосита раҳномалигида Тошкент шаҳрида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейи, «Хотира», «Шаҳидлар» майдони, қайта тикланган ҳамда таъмирланган «Хаста Имом» меъморий мажмуаси, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Қува шаҳарларида Мотурудий, Ясавий, Бухорий, Фарғонийлар номи билан боғлиқ бўлган тарихий меъморий обидалар миллатимиз ғурури, ифтихоридир. Шу боис уларнинг тарбиявий имкониятларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тарихий меъморий обидалар воситаларидан фойдаланиб ўқувчиларда ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда бу жараёнга комплекс ёндашиш талаб этилади. Жумладан, 8–9- синфларда ўқувчилари билан ўтказидиган Ўзбекистон тарихининг дарслари биринчи босқичда дарс жараёнида таништирилаётган меъморий обида ҳақида маълумот берилади. Иккинчи босқичда эса бевосита обидага мақсадли саёҳат уюштирилади. Учинчи босқичда эса олинган таассуротга муносабат билдирилади, яъни ўқувчиларни ушбу табаррук жойларга қилган саёҳатлари уларнинг мустақил фаолиятлари воситасида мустаҳкамланади. Бу фаолият ўқувчиларнинг таассуротлари асосидаги ҳикоялари ёки тасвирий фаолияти тарзида бўлиши мумкин. Яқунловчи босқичда эса ўқитувчи ўқувчилар томонидан тасвирланган расмлар, ҳикоялар шарҳланади ва умумлаштирилади. Шубҳасиз шундай дидактик тизим асосида амалга оширилган дарслар таълимий- тарбиявий самара беради. Маълумки, тарихий обидалар халқнинг миллий ғурури ва ифтихорини истиқлол ғояларига садоқат ва Она-Ватанга меҳр муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини уйғотишда зарур восита ҳисобланади.

МУҲОКАМА

Тадқиқотлар таҳлилидан, тарих таълими амалиётини кузатиш натижаларидан маълум бўлдики, умумий ўрта таълимда бу борада бир қатор ташкилий-педагогик ишларни амалга ошириш лозим. Жумладан, тарихий меъморий обидалар воситасида ўқувчиларда ватан туйғуси элементларини шакллантиришни ўзаро узвий алоқадорликдаги яхлит тарбиявий жараён сифатида қаралиши лозим. Бунинг учун :

–мавзуга оид фалсафий, педагогик ва психологик адабиётлар ўрганилиши ҳамда уларнинг мазмуни ўқувчиларда ватан туйғусини тарбиялаш имкониятлари таҳлил қилиниши;

–8–9-синфларда Ўзбекистон тарихини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ватан туйғусини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати таҳлил этилиб; асосий назарий қарашлар умумлаштирилиши;

– умумлаштирилган назарий ғоялар асосида тарих таълимнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари асосида экспериментал тарзда ўқитиладиган материаллар мажмуаси(қўшимча ўқув материаллари, тавсиялар, йўриқномалар ва б.)ни тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Шундай дидактик тизим асосида ўтказиладиган тажриба-синов ишлари умумий ўрта таълим мактабларида нафақат Ўзбекистон тарихини ўқитишни, балки тарбиявий ишнинг, жумладан ўқувчиларда ватанпарварлик ҳисларини тарбиялаш самарадорлигини ошишига асос бўлади, яъни бу омил ўқувчиларни меъморий обидалар воситасида ватан туйғусини ривожлантиришни юқори даражада таъминлайди, ўқувчиларнинг тарихий обидаларга бўлган қизиқишларини кучайтиради, уларда ватан туйғуси орқали ватанпарварлик туйғусининг ривожланишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, меъморлик обидалари воситасида ўқувчиларда ватан туйғуси ва ватанпарварлик ҳиссини ривожлантиришда ўқувчининг миллий мансубликка ҳурмат, унда миллатнинг ютуқларидан ғурурланишни шакллантириш, мустақил ўлка тарихини ўрганишга қизиқишни таркиб топтириш каби омиллар таълим самарадорлигини белгилайди, ўқувчининг миллий маданият ютуқларини ўрганишга бўлган интилишларини орттиради.

REFERENCES

1. Бердимуродов.А " Гури Амир макбараси: Илмий оммабоп рисола,-Т: А.Кодирий номидаги халк мероси нашриёти ,1993-80 б
2. Мухаммаджанов .А" Кадимги Бухоро " : (Археологик лавхалар ва тарих) масъул муҳаррир А.Аскарров –Т: фан, 1991-52 б
3. Сафоева. Э. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш: Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун. –Т: Ўқитувчи, 1993-80 б
4. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. - Jild 2. – №. 01. – P.296-300.
5. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
6. Juraev R. X., QORAXANOVA L. M. fizika va biologiyani o'qitishda 10-sinf o'quvchilarining tadqiqot faoliyatini tashkil etish modeli / / innovatsiya, integratsiya va ta'lim bo'yicha xalqaro discourse jurnali. – 2021. - Jild 2. – №. 1. – P.295-299.
7. Karakhonova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY. – 2019. – С. 35-39.
8. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.

9. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
10. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
11. Juraev R. X., Karaxonova L. M. media ta'limi maktab o'quvchilarining ta'lim sifatini oshirish omili sifatida // hayot davomida ta'lim: barqaror rivojlanish uchun uzluksiz ta'lim. – 2013. - S. 322-323.
12. Караханова Л. 6. DEVELOPMENT OF STUDENTS'KNOWLEDGE BASED ON THE USE OF 3D EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE BIOLOGY EDUCATION //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – №. 2. – С. 55-59.
13. Musaxonovna K. L. General secondary schools requirements for the introduction of informed educational resources for the development of natural sciences //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 5. – С. 855-860.
14. Juraev R. X., Karaxonova L. M. iqtidorli bolalarni ta'lim muassasalari tomonidan pedagogik qo'llab-quvvatlash //fan, ta'lim va amaliyot integratsiyasi. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. - Jild 3. – №. 4. - 66-70 betlar.
15. Karaxanova L. M. tabiiy fanlarni o'qitishda zamonaviy ochiq ta'limda yangi interaktiv elektron manbalar // ta'lim fanlari bo'yicha akademik tadqiqotlar. – 2021. - Jild 2. – №. CSPI conference 1. - P. 1303-1305.
16. Karaxanova L. M. Development of students' knowledge based on the use of 3d educational technologies in the Biology education //Таълим ва инновацион тадқиқотлар.- Вухоро. – 2020. - 55-59 betlar.
17. Сафарова Р. Г. и др. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан химоя қилишнинг назарий-методологик асослари. – 2017.
18. Kharaxonova L. M. SPECIFIC ASPECTS OF MEDIA EDUCATION AND ITS USE IN HIGH SCHOOLS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 278-284.
19. Musakhonovna K. L. Peculiarities of using modern educational tools to increase the effectiveness of teaching the natural sciences and direct students to independent activities //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 5. – С. 182-191.
20. Kh D. R., Karakhonova L. M. Media education as a factor of increasing the quality of teaching schoolchildren //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2 (eng). – С. 287-288.
21. Караханова Л. МУЛЬТИМЕДИЙНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ ЗООЛОГИИ //Збірник наукових праць Уманського державного педагогічного університету. – 2011. – №. 1.